


ОПИСА



ЖАЛТІК СҮЗІ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

16 август, чоршанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 157 (1159)



МУСТАҚИЛЛИК ШУҲРАТИНГНИ ОЛАМГА ЁЙДИ, ЎЗБЕКИСТОН АТАЛГАН МЕНИНГ ВАТАНИМ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мухтарам Президент жаноблари!

Минтақангизда тиҷчилик ва хавфсизлик ҳамда уни иқтисодий ривожлантириш муаммолари, шунингдек бу соҳаларда ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотига Ўзбекистоннинг тутган ўрни хусусида фикрлашувимизни давом эттириш учун БМТ тараққиёт дастури маъмури Густав Спелнинг мамлакатингизга ташрифидан фойдаланиб, Сизга куйидагиларни баён қилмоқчиман.

Авалло, Сизга шу йилнинг бошида Копенгагенда бўлиб ўтган ижтимоий тараққиёт масалалари бўйича олий даражадаги учрашувда қатнашганингиз учун миннатдорлик билдиришмоқчиман. Бирлашган Миллатлар Ташкилотига тузилганингиз элик йиллиги байрами муносабати билан октябрь ойида Нью-Йоркда Сиз билан бўладиган учрашувни сабрсизлик билан кутаман.

Сизнинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича доимий семинар ташкил этишга доир ташаббусингизни минтақадаги тиҷчилик ва хавфсизликни мустақамлаш ишига қўшилган муҳим ва ижобий ҳисса деб биламан. Семинар тобора ривожланиб, минтақада мижозларнинг олдини оладиган сиёсий чораларнинг таъсирчан доирасини барпо этишда ёрдам берган ва шу тариқа, БМТнинг бу соҳадаги саяё-ҳаракатларига қўшимча қувват бағишлаган бўлур эди.

Мен Ўзбекистон ва унинг қўшилари — Қозғистон ҳамда Қирғизистоннинг шу мамлакатларнинг ҳарбий ходимларидан иборат бўлган ва БМТнинг тинчликсевар

операцияларини қўллаб-қувватлаш мақсадларига хизмат қиладиган қўшма органини тузиш ғоясини табриклайман. Бу орган бош котиб тасарруфидати воситалар захирасини яна бир қимматли восита билан тўлдирган бўлур эди.

Афғонистон ва Тожикистондаги вазиятнинг беқарорлиги ҳаммаимизни ташвишга солмоқда. Мен бу мамлакатлардаги мижозларни тинч ҳал этиш йўллариини излашда Ўзбекистоннинг мустақам ҳамкорлигини жуда қадрлайман. Шунингдек, мен Сиз ҳамда бошқа мамлакатлар ҳукуматлари Тожикистонга бераётган эзгулик ёрдамини юқори баҳолайман.


Президент жаноблари, бу хавфли мижозларни сиёсий воситалар орқали ҳал этишда Ўзбекистон ҳукуматининг халқаро ташкилотлар билан эзоқ ҳамкорлик қилишига ишончим комил.

Пировардда Сизнинг раҳбарлигингизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар дастури муҳимлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Жаноб Спелнинг ташрифи бу дастури амалга оширишда, шунингдек иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг бошқа соҳаларида БМТ ташкилотларининг Сизнинг ҳукуматингиз билан ҳамкорлик қилишига қатъий ниёт қилганини тасдиқлайди.

Президент жаноблари, Сизга бўлган қамоли эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Самимий истаклар ила,

Бутрос Бутрос ФОЛИЙ,
БМТ Бош котиби.
1995 йил 26 июль.



Тошкентнинг Эски шаҳри кун сайин чирой очаяпти. Ҳозир Мустақиллик байрами арафасида топириладиган объектларда сўнги пардозлаш ишлари кетаяпти. СУРАТДА: қурувчи Бесади Тоғимбоев. А. ТҮРАЕВ олган сурат.

Мустақилликнинг нурли йилнинг арафасида қадимий ва навоқирон Тошкент яна ҳам чирой очмоқда. Халқимизнинг азалий анъаналарига ҳамоҳанг равишда янги қурилушлар ноёнига етказилаётган, куча ва ҳибонларга қўшимча чирой бахш этилмоқда, байрам ишюотлари фойдаланишда топириляётган.

Шаҳар ҳокимлиги қурилуш ва таъмирлаш-тиклаш ишлари учун саломқли маблаг ажратди. Кутлуг сана арафасида замонавий меморлик асосида тикланган гузарлар аҳоли хизматига топширилади. Дастлаб Чилонзор туманида 7 та, Ҳамза туманида 4 та, Яққасарой туманида 3 та намунали мажмуалар мижозларни кутиб олар экан, кейинчалик уларнинг сони 26 тага етади. Арафа кунларида Олий бозори тиклинишининг учинчи навбати, Сирғали бозорининг иккинчи навбати охирига етказилди. Шунингдек, янгидан барпо этилган Паркент, Бешёғоч, Госпиталь — жами 9 та бозор эшиклари ҳам ташриф бурувчиларга ланг очилди. Албатта, янги бинонинг катта-кичиги бўлмаган, у ҳаммага йўли катта кўчаси ҳам таъмирланмоқ-

да. Абдулла Қодирий ва Амир Темур кўчалари туталган жойда ер ости йўли фойдаланишга топширилиш арафасида. Яқингинада шаҳар аҳли Бўрижар орқали Бешёғоч ва Чилонзор туманларини туташтирувчи янги кўприк қурилишининг муаддатдан олдин ноёнига етганига гувоҳ бўлган эдилар.

Амир Темур ҳибонидидаги буюк бобоқалонимизга қўйилган ҳайкал янги сири алмаштирилмоқда. У бозор эшик куйилган ва кишиларда яна ҳам кучли таассурот қолдириши табиий. Ҳибоннинг яшил майдонларида қурилуш ишлари ҳам давом этмоқда. Бу ерда бош режага асосан учинчи фанон қурилиб тугалланаётган. Худди шу жойда, насиб этса, фарҳали аждоимиз



ПОИТАХТ БАЙРАМ-ЛИБОСИДА

тарвадиган миллий кўринишдаги иссиқ чон таъбирланмаган корхона бинолари ҳам шаҳар хуснига ярашиб тушиши табиий.

Алишер Навоий миллий боғи худудидаги, Абай, Ўзбекистон, Пахтакор кўчаларидаги ободонлаштириш ишлари янги гузаллик ҳада етади. Фарғона йўли катта кўчаси ҳам таъмирланмоқ-

ва шокли Ватанимиз тарихини акс эттирувчи тарих музейи ҳам қад кўтарди. Бунинг учун дастлабки тайёрларни ишлари олиб борилмоқда. Хуллас, Шарқ машъали — Ўзбекистон пойтахти Тошкент яна ҳам яшарли ва чирой очиб, истиқлол байрамига пешвоз чиқмоқда.

Х. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Мустақилликнинг нурли йилнинг арафасида қадимий ва навоқирон Тошкент яна ҳам чирой очмоқда. Халқимизнинг азалий анъаналарига ҳамоҳанг равишда янги қурилушлар ноёнига етказилаётган, куча ва ҳибонларга қўшимча чирой бахш этилмоқда, байрам ишюотлари фойдаланишда топириляётган.

НАВОЙЙ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Навоий вилояти Кенгашининг сессияси бўлиди. Унда республика Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 29 июлда бўлиб ўтган мажлисида Президент Ислам Каримов уртага қўйган вазифалар асосида вилоятти ижтимоий-иқтисодий ривожлантириши янада жадаллаштириш масалалари муҳокама этилди. Вилоят ҳокими Ҳ. Гаффаров шу ҳақда маъруза қилди.

Сессияда иқтисодий ислохотларни амалга оширишда бир мунча ижобий силжишларга эришилганини қайд этиш билан бирга маъиший хизмат, савдо ва банк хизмати кўрсатишда, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда талайгина камчиликлар ҳам мавжуд экани таъкидланди. Уларга барҳам бериш юзасидан қарорлар қабул қилинди.

МАВСУМГА ҲАММА НАРСА ШАЙМИ?

Касби тумани А. Навоий туманида жамона-шарқат ҳўжалигида бўлиб ўтган сессиялар кенгаши ана шу масалага бағишланди. Унда республикамизнинг барча вилоятларидан вакиллари ва мутахассислар қатнашди.

Кенгашни республика қишлоқ ҳўжалиги вазири Р. Хусанов бошқарди. Қашқадарё вилояти ҳокими Т. Хидиров, «Узқишлоқ-ҳўжаликтанминотузатиш» давлат қўмитаси раиси Т. Жабборов ва бошқалар кенгашда сўзга чиқиб, мавсумга пухта ҳозирлик қўриш, дала меҳнатчиларига барча зарур шарт-шароитларни яратиш, машина-механизмларни сифатли таъмирлаш пахта йиғим-теримини муваффақиятли ўтказишнинг муҳим шарти эканини таъкидладилар.

Семинар-кенгаш қатнашчилари вилоят ҳўжаликчиларида бўлиб, йиғим-терим техникаси мавсумга қандай тайёриланган билан таъинишлар.

(ЎзА).

Туркистон — умумий ўйимиз

«МАНАС» — ДЎСТАЛИК ТИМСОЛИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида қирғиз халқ элоси — «Манас»нинг 1000 йиллигини юртимизда кенг нишонлаш юзасидан ташкилий қўмита ташкили бўлиди.

Маълумки, Манас нафақат дўст ва қардош қирғиз халқининг, балки бутун Туроннинг миллий қаҳрамони, унда яшовчи юрт ва элатларнинг қон-қариндош ва яқинлиги тимсоли-Республикасида 1000 йиллигини ни тайёргарлик қўриш ишлаб чиқилган лаётган шу кунлар ҳам мазкур кутлуг юзасидан катта ишлар қилиняпти. Республикамиздаги олий ўқув юрталари, илмий талқикот институтлари, маданый марказлар, ижодий уюшмалар, ташкилот ва корхоналарда Манас юбилейига бағишланган талбирлар ўтказилляпти. Бу анжуманларда қўллаб манаспуюно олимлар, ёзувчилар, таржимонлар, жамоатчилик вакиллари фаол қатнашмоқда.

Сўзга чиққанлар юртимизда Манас тўйига бағишлаб ўтказилаётган ана шу талбирларнинг теран мазмун-моҳияти, хусусан, қирғиз эпосининг мазкур тўйи Туркистон халқларининг бир-бирига янада яқинлашуви, шу жумладан Ўзбек ва қирғиз халқлари абадий дўстлигининг мустақамлашишига хизмат қилиши тўғрисида гапирдилар.

Йиғилишда ушбу санага бағишланган талбирларни ўтказишга масъул вазирликлар, идоралар ва ижодий уюшмалар вакиллариининг ҳисоботи тингланди.

(ЎзА).

Жўқорғи Кенгес СЕССИЯСИ

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси сессияси бўлиди. Унда Қорақалпоғистон Республикасининг почта ва коммуникациялар тўғрисидаги, ҳўжалик жамиятлари ва шерикликлар ҳақидаги қонунлар қабул қилинди. Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунга баъзи ўзгаришлар киритилди. Конституциявий назорат қўмитаси таркиби, Олий суд судьялари сайланди. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг раиси, туман ва шаҳар судларининг судьялари тайинланди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси уринбосари, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси У. Аширбеков нутқ сўзлади.

(ЎзА).

РЕСПУБЛИКА ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1995 йил 15 августда бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий валютада операцияларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган банклар иштирок этди.	валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади. *)	100 Ливан фунти	1,95	Марказий банк 1995 йил 16 августдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси маҳсул пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг куйидаги тижорат қийматини белгилади: — Сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари — 31,45 сўм.	1 Германия маркиси	21,91	— Сотиб қиймати: 1 АҚШ доллари — 31,45 сўм.
1 Австрия шиллинги	23,30	1 Норвегия кронаси	4,97	Хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан восита ҳақи олинди.	10 Португалия эскудои	2,11	*) — Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийтини олмаган.
1 Англия фунт стерлинги	49,46	1 Сингапур доллари	22,51		1000 Туркия лираси	0,67	
10 Бельгия франки	10,67	1 Финляндия маркиси	7,47		1 Франция франки	6,35	
1 Голландия гульдени	1,37	4 Франция франки	4,36		1 Швейцария франки	26,34	
10 Греция драхми	5,84	1 ЭКЮ	41,00		1 Швейцария франки	26,34	
1 АКШ доллари	31,45	10 Япония иенаси	3,36		1 ЭКЮ	41,00	
1 Миср фунти	9,27	1000 Россия рубли	7,14		1000 Япония иенаси	3,36	
1 Ирландия фунти	51,63	1 Эстония кронаси	2,74		1000 Украина карбованеци	0,19	
1 Испания песети	0,49	1000 Украина карбованеци	0,19		1 Латвия лати	60,36	
100 Италия лираси	1,96	1 Латвия лати	7,86		1000 Украина карбованеци	0,19	
1 Канада доллари	23,14	1 Козогистон тенгеси	0,56		1 Молдова лейи	6,94	
1 Кувейт динари	104,02	1000 Беларусь рубли	2,73				

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОКЕЛАР

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

ТОҒДА ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ

«Ўзбекистоннинг Швейцарияси» деб чет эллик сайёҳларнинг ўзлари томонидан ташаббус билан ташкил этилган Тоғда ўлкашunosлик музейи учун совға қолдиради. Ёки уларнинг дастхатлари ёдгорлик дафтарига тушади.

Зоминда бўлган ҳар бир ватандошимиз ёки хорижий меҳмонлар ўлкашunosлик музейи учун совға қолдиради. Ёки уларнинг дастхатлари ёдгорлик дафтарига тушади.

Зоминда бўлган ҳар бир ватандошимиз ёки хорижий меҳмонлар ўлкашunosлик музейи учун совға қолдиради. Ёки уларнинг дастхатлари ёдгорлик дафтарига тушади.

Республика ижодкор ўқитувчиларининг анжумани иштирокчиларидан фарғоналик Энахон Сиддиқова, жомбойлик Ёр Муҳаммад, жиэзалик Хусан Убайдуллаевлар ўзларининг илк китобларини, шу ерлик кекса онахон Чирой момо Ниёзова қадимий адрес ва кўна тўшама, бир юз икки ёшли Туроб бобо Ербеков чавандозлик давридаги қимматбаҳо чакмон ва қамчисини музейга совға қилишди.

Шу тариқа Зомин ўлкашunosлик музейи экспонатлар билан бойиб бормоқда.

БОЛАЛАР КЎҒИРЧОҚ «ЎЙНАТИШАЁТГАН» ТЕАТР

Қариб темир йўл бекатида жойлашган темирйўлчилар маданият саройида кўғирчоқ театри ташкил этилганига ҳали кўп вақт ўтгани йўқ.

Лекин ана шу маскан болаларнинг энг сеvimли жойига айланиб қолди. Жамоатчилик асосида вужудга келган театрга иктидорли мураббий Амир Темиров етакчилик қилляпти.

Шуни ҳам айтиш лозимки, театрининг бадий раҳбарлари қисқа вақт ичида кўпчилик болаларни кейин ҳам жалб эта олди. Театрни беэаз, турли кўғирчоқлар тайёрлашни ҳам кичикинтойларнинг ўзлари баҳардилар. Саҳнадаги кўғирчоқларни ҳам болалар ҳаракатга келтириб, тенгурларига турли томошалар кўрсатишляпти.

ЙЎЛГА ҚЎЙИЛАДИ

Самарқанддаги кимё корхонаси асосан, суперфосфат, сульфат аммоний каби кишлоқ ҳўжалиги учун зарур бўлган унитлар ишлаб чиқаради.

Корхона ҳомашёнинг асосий қисмини МДХ мамлакатларидан олади. Яқинда мол айрибонлаш ҳисобига Россиядан турли жижоқлар, Белоруссиядан автоташналар, Қозогистондан фосфор ҳомашё олиб келиш йўлга қўйилди.

Суратда: лаборант Н. Деленкова.

ОНА СОҒЛОМ БЎЛСА

Наманган вилояти шифохоналари амалга ошира бошлаган дастурга мунодай ном берилган.

Бу дастурни амалга оширишда фақат акушер-гинекологларгина эмас, терапевтлар, педиатрлар ва табиётнинг бошқа соҳалари мутахассислари ҳам иштирок этмоқда.

Вилоят мактабларида ўмир қизларни ҳар томонлама табиий кўриқдан ўтказиш бошланди. Бирор сурункали касалликка чалинган 40 ёшгача бўлган барча аёллар ҳам ҳисобга олинди. Улар учун туғуруқхоналарда маҳсуе бўлимлар ташкил этилади, бу бўлимларда аёллар кўзи ёришига тайёрланади. Бу бўлимларда даволанувчилар фарзанд кўрганларидан кейин ҳам дарҳол уйларига жўнатилмайди. Бу ерда улар даволаниб, саломатлигини мустақамлайдилар. Бу вақт ичида чақалоқлар туғуруқхоналар қошида маҳсуе ташкил этилган неонатология бўлимларида бўлади.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОКЕЛАР

Республикамиз мустақиллигининг 4 йиллиги олдидан

ИМКОНИ ТОПИЛГАН БАРЧА ЙЎЛЛАР БИЛАН КИЧИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР ХАРИД ҚИЛИШНИ ТЕЗЛАШТИРИШ ЗАРУР

ЗЎР ШОДИЁНАГА АЙЛНАДИ

Жиззах туманида Ўзбекистон мустақиллигининг тўрт йиллигини муносиб ишончли учун нухта тарвадуд кўришмоқда. Бу ҳақда байрамий ўтказиш ташкилий кўмитаси раисининг ўринбосари, туман ҳокими муовини Муртозақул ЭРГАШЕВ шундай ҳикоя қилади:

— Туман ҳокимининг қарорига асосан истиқлол айёмига тайёргарлик ишларини бошлаб юборганимизга ҳам бир ойдан ошди. Шу мақсадда тузилган ташкилий кўмита фаол иш олиб бораётган. Улар гуруҳларга бўлинган, ҳар қайсинининг вазифалари аниқ белгилаб берилган. Мисол учун, қурилиш бўйича туман ҳокими ўринбосари Баҳодир Инатов бошлиқ гуруҳ аъзолари байрам ўтадиган Хамид Олимжон номли марказий боғни тартибга келтириш, саҳна тайёрлаш, шанбалеклар ўтказишга бош-қош бўлмоқдалар. Яна бир гуруҳ қишлоқ фуқаролар йиғинлари кўмағида ноғиронлар, беморлар, кам таъминланган оилалар рўйхатини тузиб чиқаётган. Улар учун ҳайриялар, турли совғалар тайёрлашмоқда. Бунинг учун деҳқончилик-саноат банкида махсус «Хайрия» жамғармаси очганмиш. Унга ҳозирнинг ўзида туман электр узатиш тармоғи ва «Почта» идоралари 10 минг сўмдан маблағ ўтказишди. 27 июль кунини катта шанбалек ўтказдик. Ундан ишлаб топилган ўттиз минг сўмлик маблағ шу жамғарма ҳисоб рақами-

Вилоятимизда шу йил ҳисобидан энг катта қурилиш иншооти ҳисобланган 400 кишилик маданият саройини ҳам насиб қилса, Мустақиллик кунлағайлоқларига топишмоқчимиз. Шу кун яна бир қувончли воқеа бўлиб беради — Ровот қишлоғининг бир қисмидаги хонадонларда табиий газ ёнади.


Оммавий-маданий тадбирлар доирасида қишлоқ кутубхоналарида истиқлол мавзuida китобхонлар конференциялари бўлиб ўтмоқда. Барча умумтаълим мактабларида ва учта ўрта махсус ўқув юрталарида иккинчи сентябрь кунини «Мустақиллик» дарсларини ўтказиш бўйича дастур тузиб чиқилди. «Туркистон — умумий уйимиз» мавзuida ўтаётган илмий-амалий, балдий-музыкавий анжуманлар ҳам Мустақиллик кунига тайёргарлик доирасида ўтаётган.

Туманда яқин анжуманга тайёргарликнинг бориши «Жиззах овози» газетаси ва маҳаллий телевидение орқали мунтазам ёритиб бориляпти. Туманимиз меҳнаткашлари пилла, галла тайёрлаш режаларини ортиги билан бажариб, улуг байрамни муносиб армуғон билан кутмоқдалар. Мустақиллик айёми жазоҳликларнинг зўр шодиёна кунига айланганига ишончимиз комил.

Х. НАБИРАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЯНГИЙЎЛ туманидаги пархез гўшт ва туҳум етиштиришга ихтисослашган товўқхона очиб турдаги «Умид» бройлер акционерлик жамиятига айлантирилган, мулк ҳақиқий эгасини топди. Қисқа муддат ичида бинолар қайта таъмирланди, унинг эҳтиёжлари учун минг гектардан зиёд ер ажратиб берилди.

Бу ерда парварши қилинаётган 268 минг товўқнинг кўпи зотли бўлиб, Венгриядан келтирилган. Паррандабоқарлар ўзлари тегишли ерда буғдой, пахта, сабзавот ва полдз



маҳсулотлари етиштириб, улардан келаятган даромадни товўқхона эҳтиёжи учун сарфламоқдалар. СУРАТЛАРДА: жўзабоқар Улдор Сулаймонова билан ветеринария врач

КИМЁВИЙ УСУЛ ҚўЛЛанилмоқда
Дангара туманида 150 гектардан ортиқ майдондаги гўза «УЗТЕКС» препарати ёрдамида чиқилди.

РЕСПУБЛИКАДА ИККИНЧИ
Пастдаргом тумани ҳудудидан ўз сизими жиҳатидан республикада иккинчи ўринда турувчи янги нефть маҳсулотлари корхонаси ишга туширилди.

Сумида эса, айниқса ишчилар сафи янада кенгайди. Агрокомбинат шунингдек, савдо маркази барпо этишга киришди. Айни кунларда Гулистон ва Ширин шаҳарларида корхонанинг иккита дўконини ишлаб турибди. Жамоа бу йил 5 миллион 285 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб, 1,5 миллион сўмлик соф фойда олишга аҳд этган. Келгусида эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини чет элга ҳам экспорт қилишни мўлжаллашаётган. Бундан эса нафақат агрокомбинат жамоаси, балки боёвтуликлар ҳам катта манфаат кўришади. Бунинг учун эса ҳозирданок чет элликлар билан икки томонлама ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда.

Самарқанд вилояти ҳалқ хўжалиги эҳтиёжини қондириш учун бир йилда уч юз минг тонна нефть маҳсулотлари керак бўлади. Лекин вилоятдаги мавжуд саккизта нефть маҳсулотларини сақлаш корхонасининг сизим ҳажми бир юз ўн тўққиз минг куб метрга етар эди. Энди янги корхона бу борадаги тақчилликка анча чек қўяди.

А. ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

90 ФОЗИ Сотиб олинди
Чортоқ туманида ким ошди савдоси бўлиб ўтди. Дастлабки қиймати 2 миллион юз минг сўм бўлган Чортоқ жамоа хўжалигининг чорвачилик фермаси 2 миллион 386 минг сўмга сотилди.

ПРЕЗИДЕНТ Ҳисоботи
Литва Президенти Альгирдас Бразаускас президентлик муддатига 2,5 йил тўлиши муносабати билан миллий телевидение орқали республикада амалга оширилган вазифалар тўғрисида халққа ҳисобот берди.

РОССИЯ Ҳиндистонга
Яқин кунларда Ҳиндистон Россиядан С-300У ҳарбий ҳаво мудоафаси мажмуида кўрсатилган замонавий қурол-яроғларни сотиб олишни бошлайди, деди Ҳиндистон мудоафаси мажмуаси вакили.

Ҳиндистон Мудоафа вазирлиги котиби К. Намбийнинг келгуси ҳафтада Россияга бўладиган ташрифида ушбу масала атрофида муҳокама қилинади.

Иқтисодиёт қирралари АГРОКОМБИНАТ: МАҲСУЛОТЛАР ТУРИ КўПАЙМОҚДА

Сир эмаски, янги лавозимни эгаллаган раҳбарларнинг ақсариёт қисми дастлаб ишчи кабинетини қайта жиҳозлашдан бошлайди. «Боёв» агрокомбинати директори Р. Гўмуродов эса бу тамойилга тамомилан тескари иш тутди.

Гап шундаки, ушбу корхона Гулистон консерва заводининг филиали бўлган кезларда ишлаб чиқариш издан чиққан, жамоа қулоғига қарзга ботган эди. Шунинг учун бўлса керак, Раҳмонқул Гулмуродов ишчи аввал агрокомбинат ҳолисини девор билан ўраш ва дарвоза қуришдан бошлади. Сўнгра эса тайёр маҳсулотлар учун махсус оморхоналар қурилиб, корхо-

надаги мавжуд ускуналар қайтадан таъмирланди. Агрокомбинат, асосан, 15 турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Бу ерда помидор, бодиринг, қарам, булғор қалампир, узум ва мевалардан консерва ва мурабболар тайёрланади. Агрокомбинатнинг ҳозирча 30 гектар ери бор. Бу кам, албатта. Лекин ширкат ва жамоа хўжаликлари,

қолиб кетган. Бу сафар ҳам ҳозирча уларнинг шахси аниқлангани йўқ.

ТАКЛИФ Кўриб чиқилди
Буюк Британия Россия давлати раҳбарлигининг собиқ Югославия муаммоларини ҳал қилиш ҳақидаги таклифини кўриб чиқишга тайёрлигини маълум қилди.


БОШ ВАЗИРГА СУИҚАСД
Догистон Бош вазири Абдуразақ Марабеховага суиқасд уюштирилди.

Қуролланган номаълум жиноятчилар яқинба кунини саҳарда Бош вазир истиқомат қиладиган уйни гранатомётдан ўққа тутишган. Унинг бахтига ўзи ва оила аъзоларидан ҳеч ким жабр кўрган йўқ. Кейинги беш йил давомида ҳукумат раҳбарига уч бор суиқасд уюштирилган. Лекин, афсуски, олдинги икки суиқасдда жиноятчилар жазосиз

ЁДГОРЛИК ОЧИЛАДИГАН БЎЛДИ

Япон жамоатчилиги делегацияси тинчлик ва дўстлик ёдгорлигини очилиш маросимида иштирок этиш учун Узоқ Шарққа келди.

Делегацията Япониядаги «Япония-Евроосиё» жамияти президенти Исаму Фудзита бошчилик қилмоқда.



Пекиндаги хоржий ваколатхоналар ходимлари шундай фикр билдирдилар. Шу кунларда Шинжонг-Уйғур мухтор туманидаги Лобнор ядровий синювар майдонига тайёргарлик ишлари якунланган. Маълумот-



қолиб кетган. Бу сафар ҳам ҳозирча уларнинг шахси аниқлангани йўқ.

ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ Қилинди
Мамлакат раҳбариятини таниқ қилгани ва ҳукуматга қарий фидолияти учун 9 кунини 4 йилдан 15 йилгача турли муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

ЧўЧҚА Гўшти ҚИММАТЛАШАЯПТИ
Украина карбованецининг қурби долларга нисбатан кескин тушиб кетмоқда.

Киевдаги сўнги биржа савдосида бир АҚШ долларининг қиймати 200 минг карбованецга тенг бўлди. Республика жамоатчилиги пулнинг қадриезилишидан ниҳоятда ташвишга тушмоқда. Чунки бунинг оқибатида бозордаги нархлар кун сайин ошиб бораётган. Масалан, чўчқа гўшти кунига ўрта ҳисобда 60-80 минг карбованецга қимматлашмоқда.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Гўзани серхоси қилиб ўстириш пишиб етилган ҳосили машинада тез ва сифатли йиғиб-териб олиш зурроқлиги чиқитиш экши олдидан дориллаш, гўзани чилпиш, барғини сунъий тўқитириш каби агротехник тадбирларнинг қанчаллик оби-тобида ўтказилишига боғлиқ. Маълумки, ҳозирча бу ишларни бажаришда асосан захари қимёвий дорилар қўлланилади ва оқибатда атроф-муҳит ифлослашиб, экологик вазият бузилади.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларида экологик хавфсизликни таъминлаш мақсадида пахтачилик машиналари бўйича ихтисослаштирилган бош конструкторлик бюросида «Искра» илмий-ишлаб чиқариш кичик корхонаси билан ҳамкорликда гўзага ишлов бериш ва уни касалликлардан, қишлоқ хўжалик зараркуналари ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишнинг экологик тоза электротехнологияси ишлаб чиқилди. У кўпбосқичли бўлиб, чиқатга экши олдидан ишлов беришдан бошлаб, бутун ўсиш даври ва ҳосил йиғиштириб олингандан кейинги даврларни ўз ичига олади.

Кўйда ана шу электротехнологияларнинг айримлари билан танишасиз.

ГўЗА ЭЛЕКТРЕКАНКАСИ

Гўза тупининг уч қисмидаги ва ён шохларидаги ёш новдалар электромпульс таъсирига учраган захотиёқ «ўлада» ва эртаси кунини бутунлай қуриб қолади. Электр қувватининг учқунланувчи разряди асосий туп ва унинг ён шохлари учига таъсир этиши билан ён новдалар ва барглари нобуд бўлиб, ҳосил органларига борадиган озуқа моддалари миқдори кўпаяди ва натижада ҳосилнинг пишиб етилиши 7-10 кунга тезлашади.

ЭЛЕКТРЕФОЛИАТОР

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳамда «Искра» илмий-ишлаб чиқариш кичик корхонаси яратган бўлса-м, жамоа гўзани икки босқичда дефолиация қилишга мўлжалланган. У МТЗ-80Х ёки Т28Х4 тракторига осилади, бир йўла 4 қаторга ишлов беради.

Электрефолиатор Ленинобод вилоятидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигига синиб қўрилганда ишлов берилгандан сўнг 12 кун ўтгач, гўзанинг 80-90 фоиз барги тўкилди ва 75-85 фоиз қўсақ тўла очилди.

ЭЛЕКТРЕДИКАТОР

«Искра» илмий-ишлаб чиқариш кичик корхонасида яратилган электредикатор йиғим-терим ишлари бошлангандан сўнг кўк қўсақларни сунъий очириш мақсадида қўлланилади.

ЭЛЕКТРОМЕХАНИК СТЕРИЛИЗАТОР-МАЙДАЛАГИЧ

Ҳосили йиғиштириб олинган майдонларда гўзаяпония стерилизациялаш ва механик усулда майдалашга мўлжалланган бўлиб, МТЗ-80Х ёки Т28Х4 тракторининг орқасига ўрнатиладиган махсус рамага осиб ишлатилади.

Унинг кенглиги 3,6 метр бўлиб, бир йўла тўрт қаторда гўзаяпония майдалаб кетади. Иш вақтидаги тезлиги 7,4 км. соат. Бир соатда 2,5 гектар майдондаги гўзаяпония майдалайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат илмий-техника ахборот фонди.

ЖУРНАЛИСТЛАР БОЗОР СИРЛАРИНИ ЯНАДА СИНЧИКЛАБ ЎРГАНИШАПТИ

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида республика оммавий ахборот воситалари ходимлари «Бозор иқтисодиёти асослари ва Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар»ни ўрганиш бўйича сабоқ олмақдалар.

Мамлакатимиз бозор иқтисоди сари бораётган ҳозирги вақтда иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришларни чуқур идрок қилиш, ушбу жараёнларнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб беришда республика оммавий ахборот воситаларининг хизмати катта. Аммо, айрим ҳолларда мақолалар, эшиттиришлар ва кўрсатувларда чуқур таҳлил етишмай қоляпти. Бунга айрим журналистларда иқтисодий билимининг етишмаслиги ҳам сабаб бўлаяпти.

Шуни назарда тутиб, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари ходимларининг «Бозор иқтисодиёти асослари ва Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар»ни ўрганиш бўйича ўқуви ташкил этилди. Ўқув дастурида журналистларнинг иқтисодиёт соҳасида билим малакасини ошириш кўзда тутилган. Унда бозор иқтисодиётининг мазмуни, ички тузилиши, ривожланиш қонунлари ҳақида, унинг айрим босқичлари яқини ва муаммолари ҳақида маъруза ва сўхбатлар ўтказилмоқда. Бунинг учун республикамизнинг етуқ иқтисодчи олимлари, Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, Вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари жалб этилди.

Шуниси диққатга сазоворки, машғулотлар аксарият эркин мулоқот тарзида ўтапти. Олимлар, мутахассислар ўтилаятган мавзу ҳақида умумий йўналиш бергач, бу ёғи савол-жавоб тарзида давом этаётган. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга энг сўнгги манбалар бўйича жавоб олишмоқда.

Вазирлар ва идораларнинг раҳбарлари мамлакатимизда юз бераётган иқтисодий жараёнлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапириб бermoқдалар. Хусусан Давлат мол-мулк қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Ш. Ғофуровнинг Ўзбекистонда мулкни хусусийлаштириш, уни давлат тасарруфидан чиқариш, янги мулкчиликнинг социал иқтисодий самараси ҳақидаги, Молия вазирининг муовини А. Абдуқодировнинг Ўзбекистонда янгича солиқ тизимининг шаклланиши ва уни такомиллаштириш муаммолари ҳақидаги маърузалари тингловчиларда катта таассурот қолдирди.

— Журналистлар жуда синчков ва қизиқувчан кишилар бўлишди, — дейди иқтисод фанлари доктори, профессор Аҳмаджон Улмасов. — Шунинг учун улар кузурда маъруза қилиш учун жиддий тайёргарлик кўрмоқдалар. Чет эл сийсий иқтисоди, жойларда бозор иқтисодиини қарор топтириш хусусиятлари, бу борадаги тажрибалар ҳақидаги адабиётларни ўзимиз ҳам қуқур ўқиб, ўрганишимиз. Зеро ҳар бир дарс бизларга ҳам, оммавий ахборот воситалари ходимларига ҳам бирдай фойдали бўлмоқда.

Ҳозиргача журналистлар ўқув дастури бўйича ўн марта таба машғулотларда қатнашдилар. Ўқини октябрь ойига-ча давом этади.

Каримжон РИХСИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси олдидан

Шу йил бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессияси мамлакатимиз ҳаётида катта воқеа сифатида тарих саҳифаларидан ўрин олди. Бойси, республикамизнинг сайлов ўтказиш тажрибасида биринчи марта таъин бўлиб ўтиб, халқ депутатлари мамлакат парламенти сайланди.

Сессияда юртбошимиз И. Каримов кўзлаган «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» ҳақидаги маърузаси ҳаётимизни барча жабҳаларида рўй бераётган ўзгариш ва ислохотларни тўғри йўналтиришда дастуриламал бўлиб хизмат қилиши, шубҳасиз. Юртбошимиз ўз маърузасида кейинги йилларга мўлжалланган кенг қамровли ривожланиш дастурини ишлаб чиқиш ва бунда ҳар бир ватандошимизнинг бутунги ва келажак манфаатлари ўз ифодасини топтоми лозимлиги ҳақида жуда тўғри таъкидлаб ўтдилар. Бунинг учун мамлакатимизда ҳуқуқий пойдевор яратилганлиги, ижро ва суд ҳокимияти тармоқлари шаклланиб, бу борада муҳим ишлар амалга оширилганлиги қайд қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг истиқбол йўлидаги ўзига хос сиёсат тарихий, маънавий ва иқтисодий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширишга қаратилган. Шу билан бирга, давлат қўриқлишида бошқа илгор демократик ва ҳуқуқий давлатларнинг ҳам ижобий томонларини фойдаланиш кўзда тутилганлиги мамлакатимиз раҳбариятининг ушбу муҳим масалага жиддий эътибор бераётганлигидан далolat беради.

Ҳуқуқий-демократик давлат пойдеворини тиклаш мақсадида амалга жорий қилинган ва келажакда турли соҳалар ишини тартибга солишда қабул қилиниши кўзда тутилган ҳуқуқий-меъёрий ва қонун ҳужжатлари, демократик жамиятнинг халқаро миқёсда эътироф этилган тамойилларига риоя қилиш, уларни ривожлантириш, таъминлаштириш бориш билан бирга, Шарқда бу борада қадимдан шаклланиган ўзига хос хусусиятлар ҳамда анъаналарни ҳам амалиётга татбиқ этиш мақсада мувофиқдир. Шарқ демократиясининг ўзига хос хусусиятларидан бири, муҳим масалалар юзасидан бамаънафат иш тўтишидир. Хусусан, шариат қоидаларидан бири бўлган «Ижмоъ»га асосан Қуръон ва ҳадисларда аниқ кўрсатма берилмаган ҳуқуқий масалани ҳал этишда факих ва муфтахидларнинг тушунлиги, ягона фикрга келган ҳолда ўзига хос ишлар бўйича ҳукм чиқариши (фатво бериш) кенг қўлланилган. Шариатда шундай йўл билан чиқарилган ҳукм шариий, яъни қонуний деб қабул қилинган.

Бундан ташқари, қўндалик турмушимизда (айниқса, ма-

ҳалларда) масалаларни ҳал этиш ишлари демократик асосда ташкил қилинганлиги эътиборга моликдир. Юртбошимиз ўз маърузасида бу хусусда алоҳида тўхталиб, асрлар мобайнида маҳалларда кўпдан-кўп муаммолар

сатилган талаблар шу ҳудудда яшовчи фуқаролар томонидан бажарилмаган ҳолларда маъмурий жазо чораларини татбиқ этиш мақсадида ҳам берилса, бу билан маҳалларнинг обрўи оғиб, масъулиятлари янада кенгайган бўлар эди.

Мустақил республикамизнинг янги Конституцияси илгарилардан фарқи ўлароқ, ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, гоёсига кўра бутунлай янгича мазмун касб этгандир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик ва партиявийликдан асар ҳам йўқ

тайёрланмоқда. Аиниқса, кодекслар устида жадал ишлар олиб боришмоқда. Уларнинг айримлари, масалан, жиноят процесси ва жиноят кодекслари ҳамда маъмурий-ҳуқуқбузарлик ҳақидаги кодекслар ҳамдустлик давлатлари орасида биринчи бўлиб қабул қилиниб, шу йил апрель ойидан бошлаб қонуний кучга киритилди. Фуқаролик ва фуқаролик процессуал кодексларининг лойиҳаларини тайёрлаш ишлари жадал сурьатлар билан олиб боришмоқда. Эндиликдаги асосий вазифалардан бири эса юқо-

Бундай ҳуқуқий меъёрларнинг ҳаётга жорий этилиши ҳуқуқий-демократик давлатнинг пойдеворларидан бири бўлиб, бунга асосан ҳар қандай низоларни судда кўриб чиқиш, уларни ҳал этиш имконияти юзага келди ва суд ҳокимиятининг обрўсини оширди.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат бошқарув идоралари ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай гайриқонуний ҳатти-ҳаракатларидан, шунингдек, шаъни, қадр-қиммати, ҳаёти, соғлиги, шахсий эркинлиги, мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига таъжовулардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги, шунингдек, уларнинг қорхона, муассаса ҳамда ташкилотларга нисбатан қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш биринчи навбатда қўйилганлиги амалдаги Конституциямизнинг эътиборга сазовор жиҳатларидан биридир. Ушбу қоида фуқаролик процессуал кодексига янада ривожлантирилиб, идоралар ва мансабдор шахсларнинг ҳатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоят, аризалар бўйича иш юритишга махсус бўлим ажратилиб, ўз навбатида қуйидаги фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузганлик тўғрисидаги ҳатти-ҳаракат (ҳал қилув қарор)лар устидан шикоятлар, идоралар ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жазо бериш билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатлари устидан берилган шикоятларга оид ҳамда фуқаролик процессуал кодексининг 251-моддасида бошқа масалалар ўз ифодасини топан бўлиб, унга асосан фуқаролар агар қонун, давлат бошқарув органи ёки мансабдор шахсининг гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари туфайли ўзининг ҳуқуқларига путур етказилган деб ҳисобласалар, судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақли эканликларини белгиланган.

Қонунга кўра, бундай ҳаракатлар жумласига фуқаро қонунда ёки бошқа норматив ҳужжатда ўзига берилган ҳуқуқни тўла ёки қисман амалга ошириш имкониятидан қонунга ҳилоф равишда маҳрум этишга ҳамда унинг зиммасига қонунга ҳилоф равишда қандайдир мажбурий юклатилишига сабаб бўлган коллегия ёки яқка тартибдаги ҳатти-ҳаракатлар кирди.

Булар эса фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама тўғри ҳимоя қилиш учун пухта замин яратди. Эндики вазифа мазкур қондаларни янада ривожлантириш ва таъминлаштиришдан иборатдир.

Ш. ШОРАҲМЕТОВ,
Тошкент давлат юридик институтининг профессори.

ФУҚАРОЛАР МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

Парламентимиз ҳужжатлари узоқ йилларга мўлжалланган назарий йўналишдир

Ўз ечимини топиб келганлиги, тўй-маъракалар ҳам, ҳайити-хатарлар ҳам маҳалла аҳлиси ўтмаслиги, маҳалларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикрини шаклланиши, бу эса халқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келган тафаккур тарзи эканлиги, ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашнинг тақозо этилганлиги, мамлакатимизда ислохотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозимлигини таъкидлаган эдилар. Ушбу фикрлар бизнинг зимамизга маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораларининг ишларини бундан кейин янада ривожлантириш ва таъминлаштириш вазифасини қўяди.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи тўғрисидаги 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра, шаҳарларда, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидagi маҳалларда таъин этилган ана шундай идоралар зиммасига ўз ҳудудидаги ижтимоий ва ҳўжалик вазифаларини ҳал этиш, оммавий-маданий тадбирларни ўтказиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органида республикамиз қонунларини, Президент фармонларини, ҳукуматнинг, халқ депутатлари кенгаши ва ҳокимликларнинг қарорларини бажаришда ёрдамлаштириш мақсадида фуқароларни бирлаштириш каби вазифалар юклатилган. Демак, маҳаллалар ишини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилишлари учун ваколат доираларини бирмунча кенгайтириш, қонунда кўр-

бўлиб, жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуги инсон деган фикрни олға сурган ҳолда «Фуқаро, жамият, давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий ечимини ечишга қаратилганлиги амалда намойён бўлмоқда. Бу гоияни ривожлантира бориб, Олий Мажлисида юртбошимиз фуқаро ва давлат ўртасидаги муносабатлар инсон манфаатлари устидан бўлиши лозимлиги, давлат ва давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ишига сафарбар қилганлигини таъкидлайдилар. Булардан ташқари, Президентимиз, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган ишларни мумкин қадар кенгайтириш лозимлигини уқтирадилар. Шунингдек, айрим тармоқ қўндаларда эса, ҳуқуқий поймол этилган фуқароларнинг шикоятларини судлов йўли билан эмас, балки маъмурий йўл билан кўриб чиқиш тартиби белгиланиши учраб туришини кўрсатиб, бу ҳол инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясига ва Конституциямиз талабларига зид эканлиги, шунинг учун мабодо юқоридаги каби ҳол юз берган тақдирда, ҳар қандай масала бўйича ҳимоя учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлиш лозимлигини жуда ҳам тўғри белгилаб бергандир. Юртбошимизнинг бу кўрсатмалари Олий Мажлис ҳамда қонун чиқариш ташаббусига ваколатли бўлган идоралар учун дастуриламал бўлмоғи лозим, деб ўйлайман.

Айни пайтда республикамизнинг турли соҳаларига тегишли қатор қонунлар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар

рида Президентимиз томонидан қўйилган талаблар асосида фуқаро — жамият-давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи кодексларнинг лойиҳалари устида ишлашнинг ташкил қилишдан иборатдир.

Мустақил Ўзбекистон Конституциясида фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, эркинликларига путур етказмасдан амалга оширишлари лозимлиги белгилаб қўйилган. Шунингдек, бундай конституцион ҳуқуқ ва эркинликлар даҳисиз эканлиги таъкидланиб, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки чеклаб қўйишга ҳеч қандай эҳтимоли ҳам қайд қилинган. Илгари амалда бўлган Конституцияда эса мансабдор шахсларнинг ҳуқуқга ҳилоф ҳатти-ҳаракатлари устидан судга мурожаат этиш ҳақида, фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматларини ҳимоя қилиш тўғрисида тегишли ҳуқуқий меъёрлар кўрсатилган бўлсада, уларни амалиётга татбиқ этиш имконияти йўқ эди. Яна бир қизиқ жиҳати, аксарият мансабдор шахслар партия аъзоси бўлганлиги сабабли уларнинг гайриқонуний ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиниши, гарчи қонунда кўзда тутилган бўлсада, амалда иложи йўқ эди.

Ҳуқуқий-демократик давлат қураётган республикамизда юртбошимизнинг қонун устиватларини тўғрисидаги кўрсатмалари асосида мазкур нуқсонлар бартараф қилиниб, амалдаги Конституцияга кўра ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органи, мансабдор шахслар ва жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиши кафолатланиши белгиланган.

Жиноят жазосиз қолмайди

ЮРТГА ЗАРАР ЕТКАЗАЁТГАН «ТАДБИРКОРЛАР»

Бухоро шаҳар тайёрлов ишлаб чиқариш ва савдо бирлашмасининг бошлиғи С. Қудратов ва тайёрловчи М. Лобожон Россия Федерациясининг Курган шаҳрида жойлашган «Торговый дом» кичик хусусий қорхонаси билан 1994 йил 7 июль кунини ўзаро шартнома туздилар. Унга кўра бирлашма хусусий қорхонага умумий қиймати 1.745.312 сўм бўлган ҳар хил қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари бериб, ўзинга мавоза асосида озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келиши кўзда тутилган.

Аммо бирлашмадагилар Россиядан қиймати 84.720 сўм бўлган 39,800 килограмм шакар маҳсулотини олиб келганлар, холос. Қолган 1.669.988 сўмлик маҳсулот олинмай қолиб кетган. Холбуки, икки ўртадаги шартнома мuddати 1994 йил 31 декабрь кунини тугатганлигини эътиборга олак, шаҳар тайёрлов ишлаб чиқариш ва савдо бирлашмасига жуда кўп миқдорда зарар етганлигини тўғри биламиз. Энди С. Қудратов зарар ўзини қоплаш олармикан?

Божхона орқали 62 миллион сўм-кўпонлик маҳсулот жўнатган. Унинг эвазига таъминотчилар у ердан 4 тонна ёки 9.840000 рублик тунука олганлар. Аммо транспорт йўқлиги туфайли Уфа шаҳридаги «Гелиос» қорхонасига вақтинча сақлаб туриш мақсадида қолдирилган. Лекин, Бухоро вилояти божхона хизмати ходимлари ушбу маҳсулот Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилди, дея тегишли тарзда расмийлаштирилган. Бундай сохтакорлик ва қўзғовмачилик қиммага керак бўлганлигини аниқлаш учун тергов ишлари бошлаб юборилди.

Ҳақиқатан ҳам, ташкилот ва қорхоналар томонидан республика ташқарисига кўплаб моллар чиқарилаётгани ҳолда, уларнинг ўрнига ҳеч нарса олиб келинмаётган. Масалан, Қорақўл туманидаги «Намуна» ҳисадорлик жамияти бу соҳада бошқаларга «Намуна» бўлмоқда. Улар Украинага мавоза шартномаси асосида ҳозирги пулда 13 минг сўмдан ортиқ маҳсулот юборишган. Урнига эса «Меркурий» кичик қорхонасидан 10 «дона Япон» электрон машинаси келтирилди, дея қалбаки ҳужжат тузишган.

Текширишларда, «Ишбилармонлик»нинг теша тегмаган йўллари ҳам аниқланмоқда. Бунинг Бухоро шаҳридаги 61-автокорхона муҳандиси Фатулло Содиқовнинг найранглари билан олиб келинган. Автокорхона ва Россиянинг Томск шаҳридаги «Нояр» шахсий қорхонаси билан тузилган шартномага кўра, Содиқов 160893 сўмлик санаот ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини Томскга олиб боради. Мазкур шаҳарда банк муассасалари томонидан 1000 Россия рублига 7 сўм 72 тишин белгиланган бўлишига қарама-дан, 10 сўм миқдорда кў-

ланиши оқибатида автокорхонага 2 миллион 673 минг рубл моддий зарар етказилган, бундан ташқари олиб борилган маҳсулотлар пулининг бир қисмига, яъни 8 миллион 190 минг рублга 19 та авторезина ва 9 та аккумулятор олинган, 3 миллион 245 минг рублин эса, «Тадбиркор» Содиқов тум қилган.

Ромитан туманидаги тайёрлов, савдо ва харид уюшмаси шартнома асосида Қозон шаҳридаги «Татар-потребсоюз» тайёрлов бошқармасига 1994 йил сентябрда 14040 сўмлик қуруқ мева ва жўнатиб, унинг ўрнига олинган керак бўлган картошкани ҳалигача ололгани йўқ. Эҳтимол, энди уни олиб ҳам бўлмас. Ушбу маҳсулот қиймати солиқ идорасига 7040 сўмга камайтириб кўрсатилганлиги ҳам кўнглингизда шубҳа уйғотади.

Юртбошимизнинг тадбиркорларни қўллаб-қувватлаётган жуда кўп фармонлари чиқди. Биз уни суинистеъмол қилмасдан, виждонан ишласак ўзимиз ҳам, халқимиз ҳам бойийди. Келажакда буюк давлат тадбиркорларининг қалби ҳам улут бўлиши керакмасми, ахир.

Ҳ. МАҲМУДОВ,
вилоят прокуратураси умумий назорат бўлимининг бошлиғи, адиб катта маслаҳатчиси.

САМАРАЛИ УТГАН ҲАР БИР ДАҚИҚА ҚИШНИНГ ЭНГ ЛАЗЗАТЛИ ТАДМИНИ БERAДИ

Нуже шаҳридаги консерва ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти Қорақалпоғистон республикасининг шимолий ҳудудида жойлашган сабзавот ва мева маҳсулотларини қайта ишлайдиган эгона завод ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам қорхона зиммасида қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ўз вақтида — мавсумни қўлдан бой бермасдан тезроқ консервланишдек улкан вазифа турибди. Шу кунларда қорхона жамоаси дастлабки полз ва мева-сабзавот маҳсулотларини қайта тайёрлаб, уларни истеъмолчиларга етказиб бериш билан овора. Бунда, аиниқса, помидорларни консервланиш, томат пастаси тайёрлаш каби ишлар салмоқли ўрин эгаллаётган. Жамоа помидорини қайта ишлаш бўйича йиллик режани орқали билан бажаришга аҳд қилган. Шунингдек, олмадан турли хил ичимлик ва шарабат тайёрлаш режасини эса 960 тоннадан ошариб удалашни мўлжаллаб туришибди.

Ўз муҳбиримиз.



Наманган туманидаги «Туркистон» жамоа ҳўжалигида озуқа экинлари ўстирилаётган майдонлар оилавий эволюция иштирига берилган. Бу эса экинларни агротехника қоидалари асосида парвариш қилинишига кўлаяпти.

СУРАТДА: эвено етакчиси Мақсудали Развоқов аэроном Нурмирза Каримов билан маккажўхори ривожини кўздан кечиришмоқда.

Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ»

Шу йил 26 августдан 3 сентябргача

Тошкентдаги «Юнусобод» спорт комплексида Ўзбекистон Президенти кубоги учун профессионал теннисчиларнинг халқаро турнири ўтказилади.

Унда жаҳондаги энг кучли теннисчилар иштирок этишади.

«Онакс» АЖ

Тошкент «Макон» қорхонаси

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг 4 йиллиги арафасида маълум қилади:

1995 йил 5 июлдан 5 сентябргача биллурдан тайёрланган қандил, стол ва девор-осма чироқлари (бра) ва идишларнинг нархи 10-20% га камайтирилади.

Сизнинг хоҳишингиз бўйича тайёрланган биллур ёриткичлар учун буюртмалар қабул қилинади.

Гоя сиздан - тайёрлаш биздан!

Алоқа телефонлари: 48-33-38, 48-52-44.

Керакли маҳсулотни воситачиларсиз, бевосита қорхонанинг ўзидан олиш анча арзонга тушади!

«КамАЗ» акционерлик жамиятининг Ўзбекистондаги дилер-«КамАЗ» автомобильлари тавсия этади:

Тошкентдаги омбордан сўм, Россия рубли ва эркин муомаладаги валютада пул ўтказиш орқали ва нақд тўлаш йўли билан:

«КамАЗ» оиласига мансуб янги автомобиллар:

- ◆ КамАЗ-5320; 53212 - бортли;
- ◆ КамАЗ-5410; 54212 - шатакчи;
- ◆ КамАЗ-55111; 55102 - ағдарма;
- ◆ КамАЗ-53213 - шасси.

КамАЗ шассисидagi махсус автомобилларни, автомобилларга ва КамАЗ автомобиллари ёнидаги аппаратларига эҳтиёт қисмлар.

Нархлари завоқ баҳосида арзон.

Манзил:
Тошкент ш., Юнусобод-6 даҳаси, Қорақамши кўчаси, 6.
Алоқа учун телефонлар: (3712) 24-57-03, 24-98-22.

ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН

ва нақд пулга (сўм)

Тошкентдаги омбордан

Баралгин,	Эуффелин,	Панадол,
Фестал,	Экстракт,	Колдрекс,
Трентал,	валерианы,	Солкосерил,
Липостабил,	АТФ,	Апизартрон,
Линкоцин,	Олиговит,	Корданум,
Верошпирон,	Сифалюд,	Бактисубтил,
Гепарин,	Кларитин,	Валидол,
Амицилам,	Флуцином,	Аспири,
Парацетамол,	Полжиснакс,	Смекта,
Стрептомицин,	Супрадин,	Дардум
Парладел,	Роцифин,	

ва бошқа кўп турдаги

ДОРИ ДАРМОНЛАРИ

Хекст АГ, Санаветта, Гермед (Германия), Рон-Пуленк, Бофур Инсен, Иннотек (Франция), Алдзон, Шеринг Плау (США), Гедон Рихтер (Венгрия), Сандоз, Рош, Солко (Швейцария), Стерлинг Хелс (Англия), Лиза Фарма (Италия), Дарница (Украина), Галеника (Хорватия) ва бошқа ишрик хорисий фирмалар билан тўғридан-тўғри шартнома асосида

СОТАДИ.

Европа сифати кафолатланади ва энг арзон нархларда тақлиф қилинади.

Манзил:
Омбор: Ҳ.Олимжон кўчаси, 5-уй,
тел.: 36-27-74,
(ҳайвонот боғи ёнида, «Ипак йўли» банки биносиди).
«Ўзбекистон-Иверсон ЛТД» компанияси,
тел.: 45-12-49.

ИВЕРСОН

«ЎЛСАМ АЙРИЛМАСМАН КУЧОҚЛАРИНГ ДАН»

Уйғуннинг ижод йўли ва ҳаётига ташқаридан боқсак, ундан бахтли адиб ўқидай бўлиб қўрилади. Чунки ёшлар асарларининг ҳаммаси чоп этилган, қатор-қатор жилдалик китоблари нашр қилинган.

Пьесалари саҳна юзини кўрган. Узи меҳнат қаҳрамони, республика давлат мукофотининг совриндори, Ўзбекистон Олий Советининг ноиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, халқ шоири, санъат арбоби, ҳатто Олий Совет ҳайъатининг аъзоси, қўша-қўша орден ва медаллар билан тақдирланган. У ўз вақтида «Шарқ юлдузи» журнаliga бош муҳаррир, Ўзбекистон уюшмасига раҳбар бўлган. Булар ҳаммаси жойида. Аммо синчиқлаб қарасак унга ҳам осон бўлмаган. Ютуқларга осонлик билан эришмаган. У ўз ҳаёти давомида жуда кўп изтиробларга, азоб-уқубатларга учради-ки, буларнинг ҳаммаси ҳам ўқувчиларга маълум эмас. Айниқса ёш авлод бундан бебахар.

Уйғун гарчи хибса олимидан бўлса-да, 1937 йилдаги дахшатли муҳдиш буронлар эндиликка 32 баҳорини кўрган ёш шоирни ҳам ўз домига тортади. У «миллатчиларнинг думи» деб Ўзбекистон уюшмаси аъзолитини дахшат қилди. Унингнинг айтишича ўша пайтларда ошиги қаттиқроқ тақиллаб қолса ҳам юраги ўйнаб кетаркан. Ҳар ҳолда унинг омади «чиби, худо сақлаб қолганлиги ҳақиқат.

Кейинчалик қаноқ хавфи бироз чекинган бўлса-да, асарларига тез-тез ҳужумлар бўлиб турди. Уларни менсимаслик, ерга уриш, муаллифга рўҳий азоб беришлар давом этди. Тошкент шаҳар Ёзувчилар йиғилишининг 1946 йил октябрда қабул қилган қароридан «Шоир Уйғуннинг кўп шеърларида ҳоирғи куннинг муҳим масалаларидан четланиш, тушунлиқ ва куруқ санъатчилик кайфиятлари кўриниб туради» дейилган. Бу ҳақиқат эмас. Бунинг шоир ошонлик билан қабул қилиши, қалбидан чиқариб юбориши асло мумкин эмас эди. Лекин у бўлиб келмади. Ёрув кунлар келишига, тез кунларда ҳақиқат кўрсатишига ишонди. Шу сабабдан ҳам қаламини четта суриб қўймади, аксинча уни янада чарқлаб, ишга солиди, янги-янги шеърли ва айниқса, драматик асарлар ёзишга шўнгиб кетди. Аммо унинг деярли барча асарлари қаттиқ қаршиликка учради. Изаат Султон билан ҳамкорликда 1941 йилда ёзган «Алишер Навоий» драмаси 1945 йилда саҳна юзини кўрди-ю, бирдангина кескин бахслар,

норозиликлар юқори ташкилотга етиб боради. Энг катта раҳбарнинг аралашшига тўғри келади. У республика фаоллар мажлисидан кейин бир қанча қишлоқ хўжалик раҳбарлари Хамза номидаги театрга бориб «Навбахор» спектаклини кўришни тавсия этади. Таънафус вақтида эса «қалай, сизларнинг образларингизни қойиб қилиб яратиб қўйибдими?» деб сўраган ва ундан ўзлари учун сабоқ чиқаришга ундаган. Шу-шу асарга тош отишлар тўхтади.

Кўриниб турибдики, унинг фаолиятини идеал қилиб кўрсатиш ҳам ёки у фожиялардан иборат эди, дейиш ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Адолат мезонидан келиб чиқиб, унинг алабий меросига ёндошшимиз, уни фақат мафкурага боғлаб, инкор этиш ёки камситиш йўлига ўтмаслигимиз лозим. Шунинг оқиб-ойдин айтишимиз керакки, шўрлар даврида бирон-бир қаламкаш унинг мафкурасидан четда қолмаган. Гап шундаки, айримлар «социалистик жамиятни камроқ мадҳ этган бўлсалар, кўпчилик янги ҳаётни кўйлашга жуда катта аҳамият берган. Уйғун ҳам кейинги тоифадаги ижодкорлар қаторига кириди. У коммунистик йўлнинг тўғрилигига ишонган. Бу шоирнинг айби эмас, балки ўша замоннинг тақозоси ва халоси эди. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, Уйғун ижодида хатолар, нуқсонларга ҳам йўл қўйди. «Сўнги пуйшаймон», «Асрлар» каби бадиий жихатдан заиф асарлар яратди. Лекин ижодининг асосий йўналишини энг яхши ниятларини амалга оширишга қаратган. Унинг бадиий асарларининг қобилити олиб ташлаб, туб моҳиятини таҳлил қилсак, биринчи ўринга омманинг ҳаёти ва қаҳрамонона меҳнати, жанговар кураши, оддий инсонларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини поклаш, она ватанни ҳимоя қилиш, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, босқинчиларга нафрат туйғуларини ёлдириш каби гоилар чиқади.

Ватанига муружаат қилиб, «Ўлсам айрилмасман кучоқларингдан...» деб ёзган. Уйғун ҳаммиса мустақил мамлакатимизнинг бағрида. Унинг ижодисини XX аср миллий ўзбек адабиётини тасаввур қилиш асло мумкин эмас. Шоирнинг адабий овози доимо жананглаб, Ўзбекистоннинг буюк давлат бўлишига хизмат қилади.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ, профессор.



Республикамиз мустақиллигининг тўрт йиллигидан 26 август кунини Тошкентда Ўзбекистон Президентини кубоги учун аъло халқаро мусобақа бошланади.

Мусобақанинг барча давралари «Юнусобод» спорт комплексида теннис майдонларида ўтатилади, — деди республика соғлиқни сақлаш вазири, республика теннис федерациясининг президенти Ш. КАРИМОВ. — Бу



Келаси йили Атлантада бўладиган финал ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини кўлга киритиш учун саралаш мусобақалари ҳамон давом этмоқда. Осиёнинг 25 футбол жамоаси рўйхатидан ўрин олган Марказий Осиё мамлакатлари футболчиларининг навабдаги учрашуви шанба кунини пойтахтимиз Тошкентда бўлиб ўтди.

Футбол бўйича «Е» гуруҳини

«ЮНУСОБОД» ТЕННИСЧИЛАРНИ КУТМОҚДА

томошабинлар учун ҳам, мусобақа иштирокчилари учун ҳам қулай бўлади. Теннис майдончалари катта ракетка усталарини қабул қилишга тайёр, буни Халқаро Теннис Федерацияси мутахассислари ҳам тасдиқлади. Жаҳоннинг 50 нафар энг кучли теннисчилари қаторидан жой олган Испания, Франция ва Швеция спортчилари бу йилги мусобақада иштирок этиш истагини билдирди. «Кремль кубоги» мусобақаларининг икки бор ғолиби россиялик Андрей Черкасов ҳам Тошкентга келади. Ўзбекистондан бу мусобақаларда Дмитрий Томашев ва Билан Олег Огородов иштирок этади. Уларнинг спорт

маҳорати ўтган йилдаги нисбатан анча ошди. Ўзбекистон терма командасига қолган номзодлар яқин ҳафта ичида бўладиган саралаш ўйинларида аниқланади. «Президент кубоги» мусобақаларининг совринлар жамғармаси бу йил 150 миң долларни ташкил этади. «Ўзбекистон» уюшмаси, Ўзбекбирлашув мусобақанинг энг яхши натижасига эришган энг ёш иштирокчиси ва юқори ўринлардан бирини эгаллаган Ўзбекистонлик спортчига иккита махсус соврин тавсия этиди. Бу совринлар энгил автомобилларидир. Кези келгандан фойдаланиб, республикамиздаги жушўқин жисмоний тарбия ва спо

рт ишлари, турли-туман мусобақаларнинг тигиз жадвали Ўзбекистон халқига фақат фойда келтиратганини таъкидламоқчиман. Улар Президент Ислам Каримовнинг фарзанд соғлом туғилса, турмуш тарзи соғлом бўлса, ҳар бир шахс ҳар томонлама қамолга етиши ҳақидаги ижтимоий йўл-йўриқлари амалда рўйбга чиқишига қўмақлашмоқда. Барча йирик халқаро мусобақаларда Ўзбекистонликлар энг юқори натижаларга эришадиган вақт узоқ эмас, бунга ишончим комил, — деди сўзини охирида республика теннис федерациясининг президенти. — «Президент



кубоги» учун бу йилги мусобақалар ҳам ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтишига, янги-янги истеъдодли теннисчилар етишиб чиқишига ва одамлар саломатлигини, улар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонаман. (ЎЗА)

ИМКОНИЯТЛАР КЎП, АММО АНИҚ ЗАРБАЛАР ЕТИШМАЯПТИ

ташкил этилган Марказий Осиё мамлакатларидан ҳозирча Қозғистон олимпия терма жамоаси биринчи ўрин учун асосий давсого бўлиб турибди. Ўзбекистон ва Қирғизистон олимпия терма жамоалари ўртасидаги учрашув ниятда курашларга бой бўлди. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ҳамюртларимиз бундан бир ойча бунинг қозғистонликларга катта имкониятни бой бериб қўйган бўлсалар-да, ҳамон биринчи ўрин учун дадил курашмоқда. Унингнинг дастлабки дақиқаларидан футболчиларимизнинг устуңлиги ва маҳорати сезилиб турди. Ҳамюртларимиз кўпга ноинқ зарбаларга йўл қўйса-да, аммо ҳужумкорликни бўшаширмадилар. Унинг, асосан, рақиб дарвозаси томонда кечди. Лекин футболчиларимиз ҳадеганда ҳисобни

очишга олмади. 12-дақиқада Насриддинов киргизистонликлар дарвозасини билан яққам-яққам майдонга чиқиб, зўр имкониятни кўздан бой берган бўлса, кўп ўтай Назаров тегган тўпни яна у қабул қилиб олиб, кучсиз зарб билан рақиб дарвозасига йўллади. Бирок очик қолган дарвозадаги тўпни рақиб ҳимоячилари қайтариб юборишга муваффақ бўлди. Фақат 30-дақиқадагина Геннадий Шарипов ҳаммаси 25-30 метрлар узоқликдан киргизистонликлар дарвозасини аниқ мўлжалга олди. Ҳисоб очилди: 1:0. Айтиш мумкинки Ўзбекистон олимпия терма жамоаси бу учрашувга катта тайёргарлик кўрган, аммо кўп ҳолларда қулай имкониятни кўздан чиқариб қўйиши ўйинчиларнинг катта бахслар синовидан ўтмаганидангина далолат беради. Танаффуздан сўнг киргизистон-

ликлар ташаббусини бир мунча кўлга олмади бўлди. Лекин улардаги аниқ ҳаракатлар ва ҳужумкорлик футболчиларимизни шошириб қўймади. Вазиятни англаб олган бош мурабий Мирзохид Гуломов захирадаги ўйинчилардан Шарипов, Ермаков, Забировларни кетма-кет ўйинга тўширди. Шундан сўнг ҳар икки томон тарқибда ҳам тез-тез ўзағирлиқ бўлиб турди. Унинг ўртасига келиб яна рақиб дарвозаси олдига кескин курашлар озага келди. Лекин рақиб ҳимоячилари бу вазиятни дардор бартақлаб этишга муваффақ бўлди. Ҳатто ўйин шу даражага бориб етдики, ҳамюртларимиз ҳужумга берилиб кетиб, гоҳида ҳимоя чизиги очик қолганини унутиб қўйишди. Учрашув тугашига тўрт дақиқа қолганда Назаров рақиб дарвозасига иккинчи тўпни йўллади. Ҳисобни яна ошириш ҳа-

рақатига тушиб қолган футболчиларимиз сўнги дақиқаларда ҳимояни бўш қолдириди. Тўғрироғи, хотиржамликка берилиб кетган ҳамюртларимиз ўйин тугашига бир дақиқа қолганда рақибларнинг қўтилмаган ҳужумидан шошиб қолди. Натижада улар Павел Бугалони доғда қолдириди. Учрашув 2:1 ҳисобида якунланди. Футболчиларимиз йирик ҳисобда ютиш имкониятига эга эди. Бирок улар кўпгина қулай вазиятлардан тўлиқ фойдалана олмади. Алмати шаҳрида Қозғистон олимпия терма жамоаси 3:1 ҳисобида тожикистонлик футболчиларни мағлубиятга учратди. Ҳамюртларимиз сўнги учрашувларни меҳмонда ўтказишди. Ўқтам ДЎСТЕР, «Халқ сўзи» мухбири.

«УЙЧИ ТОНГИ»НИНГ ИЛК ТОМОШАСИ

Уйчилик маданият ҳодимларининг саяё-ҳаракати ва ташаббус билан туман маданият уйи қошида «Уйчи тонги» фольклор-этнографик дастаси ташкил этилди. Қарийб 50 нафар ижодкорни бир мақсад — Ватан мадҳини кўйлашга бирлаштирган бу бадиий жамоа тарқибда санъаткорлардан ташқари шифокорлар, тарбиячилар ва ҳатто чорвадорлар ҳам бор. Бу эса аниқ мўл дастурининг ранг-баранг бўлишига катта ёрдам бермоқда.

Яқинда мазкур жамоанинг илк концерт дастури меҳнаткашлар ҳуқуқига ҳавола этилди. Дастурдан ўрин олган халқ лалалари, аллалар, яллалар, ном қўйиш маросимлари ва шунга ўхшаш кўпгина миллий урф-одатларимиз санъатнинг сеҳрли тилида жананглаб, томошабинлар қалбига ўлмас из қолдириди. Айниқса, хаваскор санъаткорлардан Зокиржон Сатторов, Исроилжон Солиев, Хошир Жўраевалар ижро этган турли куй-қўшиқ ва рақслар барчага манзур бўлди. (ЎЗ мухбиримиз).

Чехиянинг машҳур Хоцель ЧКД фирмаси ва Тошкентдаги «Совуқ»

илмий муҳандислик маркази қуйидаги совуттич жиҳозларни тақлиф этади:

- I. 12 турдаги поршенли аммиак компрессорлар.
II. 8 турдаги компрессор-конденсатор агрегатлар.
III. Компрессор испаритель агрегатлар.
IV. 12 турдаги икки поғонали аммиак компрессорлар.
V. Иссиқлик насослар.
VI. Аммиакли винтли компрессорлар.
VII. Тўрт турдаги блокли совуттич агрегатлар.
VIII. Аммиакли насослар.
IX. Компрессорлар учун турли хилдаги эҳтиёт қисмлар.

Шунингдек, ёғ тўловчилар, испарителлар, конденсаторлар, ҳаво ва суюқликни ажратувчилар, ўлчов асбоблари ва бошқа музлатгич мосламаларини сўм миқдорда арзон нархларда тавсия қилади.

Чехиянинг мазкур фирмаси юқори сифатли музлатгич жиҳоз ва мосламаларини дунёнинг 30 дан ортиқ давлатларига Олмония, Дания каби давлатлардан 1,7 марта арзон нархларда сотади.

Қуйидаги мутахассисларни доимий ишга қабул қиламиз:
■ Инглиз тилини биладиган техник мутахассислар;
■ совуттичлар бўйича техник-муҳандислар;
■ дилер;
■ референт;
■ молия мутахассислари.

Манзилимиз: Тошкент ш., «Буюк ипақ йўли» кўчаси, 374.
Телефонлар: 64-23-20, 64-24-20, факс 64-23-20.

Нархнинг 15 фоизини тўлаб, тайёр ускуналарни имтиёзли шартлар билан олиш имкониятига эгасиз!

Ўраш-қадоклаш ускуналари тажриба-конструкторлик бюроси тавсия этади:

- саноат учун сабзавот майдалагичлар 1500 кг/соат;
○ вино, газли ичимлик, шербатларни қуйиш ва тиқинлаш линиялари;
○ ёрлик ёпиштирувчи автомобиллар;
○ инспекция-машиналар;
○ вино ва бошқа суюқликларни қуйиш учун марказдан қочма насослар;
○ қишлоқ хўжалик экинлари ва бошқа мўрт маҳсулотларни майдалагич қурилма.

Узил-кесил тўлов тайёр маҳсулотни олганингиздан кейин икки ой очига амалга оширилади.

Манзил: 700020, Тошкент, Бобур кўчаси, 77.
Телефон: 55-16-11.
Факс: (3712) 55-14-70.

Энгил саноат моллари ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон давлат уюшмаси жамоаси тармоқларни ривожлантириш ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш бош бошқармаси бошлиги Акбар Икромовга отаси Икром ИНОГОМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодийет 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Ахборот 36-29-89;
Тўғри муҳарририят 33-10-28.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Набатчи муҳаррир — О. Раҳимов.
Набатчи — Л. Қўчқорова.